

ҒУЗОР ТУМАНИДА ТАРҚАЛГАН AGRIOLIMACIDAE Wagner, 1975 ОИЛАСИГА МАНСУБ ШИЛЛИҚҚУРТЛАР ФАУНАСИ

Орзиева Ёкутой Матназар қизи
Пардаева Феруза Олим қизи
Рахматулаева Юлдуз Бахтиёр қизи
Қарши давлат университети

Аннотация: Қориноёқли моллюскалар табиий экотизимларнинг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланиб, турлар сонининг кўплиги, кенг тарқалганлиги ва популяцияда зичлигини юқори бўлиши органик моддалар айланмасида муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли Ғузор туманида тарқалган шиллиққуртларни ўрганишни мақсад қилдик.

Kalit so‘zlar: Шиллиққурт, оралик хўжайин, рудимент, интродуцент.

Ҳозирда дунё фаунасида шиллиққуртларнинг 150 дан ортиқ турлари учраб, шулардан, Марказий Осиёда 24, Ўзбекистонда эса 18 тури тарқалган бўлиб, бу турларнинг биологик хилма хиллиги нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиё республикаларида тўлиқ ўрганилмаган. Шунинг учун шиллиққуртларнинг ўрганиш назарий ва амалий жиҳатидан катта аҳамиятга эга. Сабаби: биринчидан, улар гетероген гуруҳдан иборат бўлиб, келиб чиқиш жиҳатидан ҳар хил ҳайвонлар комплексини ташкил этиб, систематик жиҳатидан бир-биридан узоқ бўлган гуруҳлар эволюциясини ўрганишда муҳим роль ўйнайди. Иккинчидан, улар моллюскаларнинг физиологиясини ўрганишда, чиғаноқли моллюскаларга нисбатан қулай тадқиқот объекти ҳисобланади. Учинчидан, шиллиққуртларнинг асосий қисми ўсимликхўр полифаг ҳайвонлар бўлиб, улар инсон ҳаёти учун муҳим бўлган турли хил ғалла, сабзавот ва полиз экинлари билан озиқланиб катта зарар етказади. Тадқиқотимизни Ғузор тумани ҳудудларидан 50 дан ошиқ шиллиққуртлардан намуналар тердик. Терилган материалларни Виктор, Лихарев [1] усули ёрдамида фиксация қилинди ва улар Agriolimacidae оиласига мансуб 6 турдаги шиллиққуртлар эканлиги аниқланди.

Оила AGRIOLIMACIDAE Wagner, 1975 [2]

Бу оила вакиллари Голарктика бўйлаб кенг тарқалган бўлиб, ҳозирда дунё фаунасида 6 та уруғи мавжуд, шулардан 1 уруғ вакиллари Ўзбекистонда учрайди.

Уруғ Deroceras Rafinesque, 1820

Ҳозирда бу уруғнинг дунё фаунасида 31 тури мавжуд бўлиб, шулардан 5 таси Ўзбекистонда учраб, 2 тури эса гельминтларнинг оралиқ хўжайин вазифасини ўтайди.

Deroceras laeve Muller, 1774. [3]

Бу шиллиқурт ҳаракатчан бўлиб, тана тузилиши цилиндрсимон, қисқарганда эса елпиғичсимон кўринишга эга. Мантияси анча катта, тириклигида орқа томонидан айланасимон, фиксация қилингандан кейин учбурчаксимон кўринишга эга бўлади. Тана узунлиги ҳаракат чоғида 25 мм гача, қисқарганда 13-15 мм. Мантияси 10 мм гача қисқарганда эса 5-7 мм ни ташкил этади. Мезофил тур бўлиб, ҳамма биотопларда кенг тарқалган. Асосан ариқ бўйларидаги ўтлар орасида ва суғориладиган ерлардаги полиз экинлари орасида яшайди.

Бу турнинг популяциядаги зичлиги ҳаво ҳарорати ва намликка боғлиқ бўлиб, намлик миқдори юқори бўлган йиллари 1 м² майдонда ўртача 25-30 та, паст бўлган йилда эса бу кўрсаткичи 10-15 ни ташкил этади.

Deroceras sturanyi Simroth, 1889.

Мантияси тана қисмини яримини эгаллайди. Тана ранги оч сарғич ёки жигарсимон. Мантия ва орқасини ўрта қисми, ён қисмига нисбатан бир оз қорароқ. Мезофил тур бўлиб, боғ ва полиз майдонларига унча узоқ бўлмаган жойларда биотопларда яшайди. *Deroceras sturanyi* нинг популяциядаги зичлиги унча юқори эмас. Иссиқхоналарга яқин бўлган олмazorлар учун қилинган суний тўсиқлар яқинидаги ўсимликлар остида популяциядаги зичлиги 1-2 м² майдонда 1-2 та бўлса, турли хил боғлардаги барг қопламлари ва суний тўсиқлар остида 2-3 м² майдонда эса 2-3 тани учратиш мумкин. Ўрта ва Шарқий Европада тарқалган бўлиб, Марказий Осиё давлатларига антропоген кучлар таъсири остида тарқалган. Карам, пиёз, укроп, кашнич, помидор, қулупнай каби ўсимликларнинг зараркунандаси ҳисобланади. Унинг зарарли хусусиятлари И.М. Лихарев, Я.С.Шапино [1], З.И. Иззатуллаевлар ишларида ҳам келтирилган.

Deroceras (D) laeve (Müller, 1774)

Танаси цилиндрсимон. Ранги кўнғир-жигарранг. Ўлчамлари: ҳаракатланганда узунлиги 45 мм, қисқарганда 35 мм. Турли биотопларда: дарахтзорлар, ариқлар четидаги ўтлар ораси, майдонларда кенг тарқалган. Мезофил, фитофил. Помидорнинг ёш ниҳолларнинг пояси ва баргини зарарлайди. Сабзавотлардан лавлаги, карам, кўкатлар ва қулупнай меваларига зарар етказиши. Шаҳарларда асосан боғлар ва экин далаларида кенг тарқалган тур.

Agriolimax Morch, 1865 кенжа авлоди

Deroceras reticulatum (Müller, 1774) [4]

Танаси қорамтир-кулранг тусда. У кўп сонли қора чизик ва доғлар билан қопланган, улар тўр кўринишидаги расмни ҳосил қилади. Шиллиққурт номи ҳам шундан келиб чиққан: тўрли шиллиққурт. Бу тўрсимон елка ва мантия устида қуюқ жойлашган. Пуштаги ўткир. Товони ёрқин оқ рангли. Шиллиқ моддаси - оқ сутрангда. Ўлчамлари: ҳаракатланганда узунлиги 43 мм, қисқарганда 30 мм. Мезофил, фитофил. Келтирилган тур. Айрим шаҳар касалхоналарининг омборхона ва ҳожатхоналарида, аҳоли яшайдиган биноларнинг ертулаларида ҳам учраши аниқланди. Сабзавот ва гулли ўсимликларнинг зараркунандаси ҳисобланади. *Deroceras reticulatum*, асл ватани Европа бўлиб, Марказий Осиё учун адвентив тур ҳисобланиб, Ўзбекистонда гил тупроққа эга бўлган очик биотопларда яшаб, ўрмонлардан ва ҳатто буталардан ҳам қочади. Турнинг экологик толерантлиги юқори бўлганлиги сабабли, нафақат табиий, балки антропоген ва айниқса маданий биотопларда ҳам учраб, ариқлар бўйидаги ўтлар орасида, сабзавот экин майдонлари атрофида ва боғларида яшаб, унинг популяциядаги зичлиги турлича, жанубий ҳудудларда 1 м² майдонда 17-20 тагача учраса, Ўзбекистоннинг шимолий-ғарбий қисмида ариқ бўйларидаги популяцияда ўртача зичлиги 9-10 тага тенг.

Deroceras (D) agreste (Linnaeus, 1758)

Танаси изчил келишган, ранги ёрқин жигаррангда. Мантия ва елкаси ён томонларига нисбатан қорамтир тусда. Тана ўлчами: ҳаракатланганда узунлиги 44 мм, қисқарганда 20-22 мм. Текисликларда кенг тарқалган тур. Шаҳар ҳудудидаги дарахтзорларда хазонлар ораси ва тупроқ орасида, ўтлоқларда учрайди.

Liolytopelte Simroth, 1901 кенжа авлоди

Deroceras (D) caucasicum (Simroth, 1901) [5]

Танаси кулранг-сарик рангда, энса ва мантияси қорамтир. Тана қолами жуда юпқа, шаффоф. У орқали ички органлари кўриниб туради. Ўлчами: ҳаракатланганда узунлиги 55-60 мм, қисқарганда 30 мм. Агроценозлар: полиз, сабзавот экин далалари, боғларда кенг тарқалган. Мезофил, фитофил. Ҳозир вақтда уйларнинг ертулалари ва қудуқлар деворларида ҳам учрамоқда. Зарарли тур. Баҳор ва асосан кузда зарар келтиради. Баҳорда кўкат (пиёз, укроп), сабзавот (бодринг, карам) ларнинг поя ва барглари, кузда карам бошлари, помидор, қовок, бақлажон каби сабзавотлар, олма, нок дарахтлари тагига тушган мевалар билан озикланади. Карам, қулупнай, помидор, кўкат экилган майдонларда 1 м² жойда 10-60 донагача учрайди. Кундуз куни пайкаллар четидаги турли буюмлар (ғишт, тахта, халталар) тагида кўп сонда (20-50 донагача) тўпланadi. Кейинги йилларда куз ва қишнинг дастабки ойларидаги илик келиши натижасида

бутурни декабрнинг бошларида ҳам учратдик. Бу турнинг зарар даражаси куз фаслида юқори. Асл табиий ватани – Кавказ.

Хулоса қилиб айтганда, шиллиққуртларнинг ўрганиш назарий ва амалий жиҳатидан катта аҳамиятга эга. Сабаби: биринчидан, улар гетероген гуруҳдан иборат бўлиб, келиб чиқиш жиҳатидан ҳар хил ҳайвонлар комплексини ташкил этиб, систематик жиҳатидан бир-биридан узоқ бўлган гуруҳлар эволюциясини ўрганишда муҳим роль ўйнайди. Иккинчидан, улар моллюскаларнинг физиологиясини ўрганишда, чиғаноқли моллюскаларга нисбатан қулай тадқиқот объекти ҳисобланади. Учинчидан, шиллиққуртларнинг асосий қисми ўсимликхўр полифаг ҳайвонлар бўлиб, улар инсон ҳаёти учун муҳим бўлган турли хил ғалла, сабзавот ва полиз экинлари билан озиқланиб катта зарар етказади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Лихарев И.М., Виктор А.Й. Слизни фауны СССР и сопредельных стран (Gastropoda Terrestria Nuda) Фауна СССР. Моллюски. - Л.:Наука, 1980. Т.3.Вып.5. № 122. 437 с.
2. Пазиров А., Азимов Д.А. Наземные моллюски (Gastropoda, Pulmonata) Узбекистана и сопредельных территорий. - Ташкент: Фан, 2003. - 315 с.
3. Пазиров А. Биологическое разнообразие наземных моллюсков Узбекистана и сопредельных территорий: Автореф. дис...докт. биол.наук. - Т.,2005. - 40 с.
4. Увалиева К.К Наземные моллюски Казахстана и сопредельных территорий. - Алма-Ата: Наука Каз. ССР,1990. - 224с.
5. Абдулазизова Ш.К. Биологическое разнообразие наземных моллюсков Сурхан-Шерабадской долины и окружающих ее горных хребтов: Автореф. дис. ...доктора философии(PhD) по биол.нуак. . - Ташкент,2018. - 43 .
6. Орзиева, Ё. М. (2022, September). АБИОТИКА К РАСПРОСТРАНЕНИЮ МОЛЛЮСКОВ В ВОДОЕМАХ ВЛИЯНИЕ ФАКТОРОВ. In INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE" THE TIME OF SCIENTIFIC PROGRESS" (Vol. 1, No. 1, pp. 25-32).
7. Orziyeva, Y. (2022). Water Molluscs Found in Some Water Basins of Kashkadarya Region. *Miasto Przyszłości*, 27, 145-148.
8. Orziyeva, Y. (2022). SUV MOLLYUSKALARINING PARAZITLARNING ORALIQ XO'JAYIN SIFATIDAGI ROLI. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(6), 26-30.